

Biznes-Эксперт

№ 9, 2016

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

МОЛИЯ

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР

ИЛМИЙ АМАЛИЁТ

ШБУ СОН МАВЗУСИ:

Ўзбекистонда қулай инвестиция муҳитини шакллантиришда инвестиция сиёсатининг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари
27

RISK

ТЕМА НОМЕРА:

Оценка инвестирования в человеческий капитал
110

ПРИВАТИЗАЦИЯ

ФИНАНСЫ

ЦЕННЫЕ БУМАГИ

НАУЧНАЯ ПРАКТИКА

47

Корхоналарда харажатларни бошқаришдаги мавжуд муаммолар ва харажатларни таснифлаш

80

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйишнинг баъзи томонлари

Солиқ тизимини такомиллаштиришда солиқ ва тўловларни ҳисоблаб чиқаришнинг қолдиқ усулининг афзалликлари

97

ВНИМАНИЕ!

Согласно постановлению Президиума Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан №201/3 от 30 декабря 2013 года, журнал «Biznes-Эксперт» внесен в реестр научных изданий Высшей аттестационной комиссии для докторских диссертаций.

Мундарижа

Хуауа Шерзод МУСТАФАКУЛОВ. Кластерли ёндашув асосида хуудий инфратузилмани шакллантиришда устувор йўналишлари 3	Йўналтирилган сиёсат 65
Бозор иқтисодиёти Жавлонбек ҚУРБОНОВ. Корпоратив тузилмаларда капитал баҳоси ва уни ҳисоблаш механизми 11	АКТ Муяссар МИРЗАКАРИМОВА. Ахборотлашган жамиятда баъдлик таркиби шаклланишининг хорижий тажрибаси 70
Капитал Махмуд СУЛТАНОВ, Жамол БОБОЖОНОВ. Инвестиция фондлари ижтимоий-иқтисодий моҳиятига тизимли ёндашув 16	Банглик Нарзилло РУСТАМОВ. Хизматлар соҳасини ривожлантириш – ялпи ички маҳсулот ўсиши ва аҳоли турмуш даражаси ошишини таъминлашнинг муҳим омилли 74
Долзарб мавзу Тўлқин ПАРДАЕВ. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини либераллаштириш шароитида божхона тўловларининг ўрни 22	Соҳа тараққиёти Ақбар СУЛТАНОВ. Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш: замонавий саноат ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш истиқболлари 78
Молия Отабек МУСТАФОҚУЛОВ. Ўзбекистонда қудай инвестиция муҳитини шакллантиришда инвестиция сиёсатининг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари 27	Нуқтаи назар Халықназар КАЛИМБЕТОВ. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйишнинг баъзи томонлари 88
Аграр соҳа Асрор БАХРИДДИНОВ, Назарбек БОЛТАЕВ. Фермер хўжаликларида маркетингни бошқаришнинг асосий йўналишлари 31	Ресурс Гулшан АБДУЛХАЕВА. Тоғ ва тоғолди хуудлари қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш хусусиятлари ва йўналишлари 91
Ҳисоб-китоб Анвар АВЛОҚУЛОВ. Молиявий натижалар кўрсаткичларининг турли-туманлиги ва уларни бухгалтерия ҳисобида таснифлаш тартиби 34	Бозор тамойиллари Мухаммадсодиқ ЗОКИРЖОНОВ. Кредит таввакалчилигини баҳолаш моделлари 95
Услугият Шахноза НУРУЛЛАЕВА, Светлана ИВАНОВА, Фотима АБДУРАХМАНОВА. Иқтисодий ўсиш омилларини тадқиқ этишнинг эконометрик методлари ва уларнинг имкониятлари 38	Мезон Хайрулло РЕЖАПОВ. Меҳнат ва олий таълим хизматлари бозорига таъсир этувчи омиллар 100
Сайёҳлик Дилбар АСЛАНОВА, Машҳура АЛИМОВА. Самарқанд вилоятида хуудий туристик кластер шаклланишининг концептуал асослари 43	Тадқиқот Манзура АБДУРАХМОНОВА, Ориф УМАРОВ. Солиқ тизимини такомиллаштиришда солиқ ва тўловларни ҳисоблаб чиқаришнинг қолдиқ усулининг афзалликлари 105
Таққос ва таҳлил Нодира АБДУСАЛОМОВА. Корхоналарда харажатларни бошқаришдаги мавжуд муаммолар ва харажатларни таснифлаш 51	Стратегия Феруза АБДИНАЗАРОВА. Саноатда ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан изчил янгилашнинг иқтисодиётдаги ўрни 109
Банк ва молия Қумри НОМОЗОВА. Банклар ва сугурта компаниялари ҳамкорлиги улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳажми кенгайишининг муҳим омилли 56	Ислоҳот Дурбек ХУСАНОВ. Аграр соҳада жалб қилинган инвестицияларни прогноз қилиш усуллари 112
Кун мавзуси Зокир МАМАДИЯРОВ. Иқтисодиётда реал сектор тушунчаси ва ушбу соҳани кредитлашнинг зарурлиги 60	Модернизация Абдуғафур ҲОТАМОВ. Индустириал радиотўсиқлар ва уларни бартараф этиш усуллари 115
Жараён Фахриддин АБДУСАЛЯМОВ. Импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришга	

Содержание

Тема дня Аделя ЯФУНЯЕВА. Оценка инвестирования в человеческий капитал 118

Молиявий натижалар кўрсаткичларининг турли-туманлиги ва уларни бухгалтерия ҳисобида таснифлаш тартиби

Анвар АВЛОҚУЛОВ,
ТМИ “Аудит” кафедраси доценти, и.ф.н.

Мамлакатимизда корпоратив бошқарув принциплари тўлатўқис жорий этилиши учун халқаро талабларни ҳисобга олган ҳолда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, уларнинг инвестиция жараёнларида ҳамда иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишда кенг иштирокини таъминлаш бугунги кунда ниҳоятда долзарб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантиришда муҳим омил бўлди. Мазкур Фармоннинг 8-бандига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг очиқлигини ошириш, улар томонидан халқаро стандартлар асосида аудит ва молиявий ҳисобот ахборотини нашр қилиш” [1] белгилаб қўйилган. Ушбу талабларнинг белгиланиши ўз-ўзидан акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ахборотларни чоп этиш ва халқаро аудит стандартлари асосида аудиторлик текширувларини ўтказишни талаб қилади.

Аннотация

Мақолада молиявий натижалар кўрсаткичларининг шаклланиш масалалари ёритилган. Хусусан, молиявий натижаларнинг таснифланиш тартиби ўрганилган.

В статье раскрыты вопросы формирования показателей финансовых результатов. В том числе изучены порядок классификации финансовых результатов.

In the article disclosed the questions of formation of indicators of financial results. And explored the classification of financial results.

Республикаимиз иқтисодиётини узуксиз ривожланиши ҳамда жаҳон хўжалиги ва молиявий тизимига тобора интеграциялашуви, бу борада давлатимизнинг бош илоҳотчи бўлиб оқилона сиёсат олиб бораётгани пировард натижада Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи ва нуфузини янада оширмоқда.

Маълумки, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2015 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозори-

Таянч сўзлари: молиявий натижа, даромад, харажат, фойда, зарар, ялпи фойда, соф фойда.

даги ўз позициясини мустаҳкамлади.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек: “Тадбиркорлик субъектларини ташкил қилишни соддаштириш ва уларнинг фаолият юритишини энгилаштириш билан боғлиқ 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, янги тартиб бўйича, агар шахс солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортиш билан боғлиқ жиноятни биринчи марта содир этган бўлса ва ҳуқуқбузарлик аниқланганидан сўнг 30 кун ичида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қопласа, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилмайди ва у жавобгарликка тортилмайди” [2]. Бу каби энгиликлар тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга, макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш корхоналар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, уларни юзага келган янги иқтисодий муносабатлар шароитида ривожланишини таъминлаш корхоналарнинг молиявий барқарорлигига узвий боғлиқ. Корхоналарнинг молиявий жиҳатдан барқарор бўлиши уларнинг фаолияти давомида олган фойдасининг тўғри шакллантирилиши билан алоқадордир. Чунки корхоналарда фойда шу ерда ишловчиларнинг моддий таъминланишининг, корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришининг, ишлаб чиқаришда фан-техника ютуқларини ва янги технологияларни жорий қилиш каби ишларнинг асосий моддий манбаи ҳисобланади. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фойда кўрсаткичини тўғри аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур даромад ҳисобидан махсус мақсадларга мўлжалланган жамғармалар, резерв капитални ташкил этади, капитал қўйилмалар молиялаштирилади ва ижтимоий тадбирлар амалга оширилади.

Турли мулкчиликка асосланган бозор иқтисодиёти шароитида корхона фаолиятининг якуни сифатида молиявий натижалар қаралади.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартига [3] кўра, молиявий натижалар – хўжалик юритувчи субъектнинг фойда ёки зарар шаклида ифодаланган фаолиятининг пировард иқтисодий якунидир ёки бошқача қилиб айтганда, *молиявий натижалар* – бу хўжалик юритувчи субъектнинг маълум ҳисобот даврида тадбиркорлик фаолияти жараёнида ўзига қарашли маблағнинг ошиши ёки

камайтишидир. Бундай фаолият натижаси ҳисобот давридаги барча фойдалар ва зарарларни ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Молиявий натижаларни шакллантириш жараёни халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги корхоналарда ўзига хос хусусиятларга эга. Шундай бўлишига қарамай, иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналарда фаолият молиявий натижаларини аниқлашда ягона анъанавий усулдан фойдаланилади: даромад – харажатлар = фойда (ёки зарар).

Бозор муносабатларида фойда муҳим категория ҳисобланиб, бир қатор зарур функцияларни бажаради.

Биринчидан, фойда корхона фаолияти самарадорлигини кўрсатувчи мезон ва кўрсаткичдир. Бошқача қилиб айтганда, даромадлилик корхонанинг самарали фаолиятидан далолат беради. Фойда миқдори бир қанча омиларга боғлиқ бўлиб, улар корхона қувватига боғлиқ ва аксинча боғлиқ бўлмаган омилардир.

Иккинчидан, фойда барқарорлаштириш функциясини бажаради. У корхонанинг сўнгги молиявий натижаларида қатнашиб, бозор иқтисодиёти шароитида калит ролини ўйнайди. Бу орқали шундай мақсад қўйиладиги, бунда бошқарув субъектларининг хулқ атори аниқланади. Бу уларнинг муваффақияти фойда миқдори билан, миллий иқтисодиётда белгиланган алгоритми ва унинг тақсимланиши билан бирга солиқни ҳам ўз ичига олади.

Учинчидан, фойда турли даражадаги бюджет даромадларини шакллантириш манбаи ҳисобланади. Фойда бюджетга турли хил кўринишлардаги, яъни солиқлар кўринишида келиб тушади ва бюджет харажатлари қисмида кўрсатилган мақсадларга йўналтирилади.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб хулоса қилишимиз мумкинки, хўжалик юритувчи субъект ўз хўжалик фаолиятини самарадорлигини аниқлаш ва келгуси даврга бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ҳисобот даврида даромад ва харажатларни ҳисоблаб чиқиш имкониятини берадиган ахборотларни йиғиш ва ишлаб чиқиш тизимига эга бўлиши керак.

Корхоналарнинг фойдаси давлат ва маҳаллий бюджет даромадлар қисмининг шаклланишида, минтақанинг ижтимоий дастурларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Корхоналарнинг ўзида эса фойда барча иқтисодий жараёнларни,

чиндек, солиқ, ажратма, пул оқимларини ўзифода этади. Шундан келиб чиққан ҳолда фойда-дават бюджети даромадлари шаклланишининг ибаси, корхоналар барқарор ривожланишининг и, фаолиятни кенгайтириш, мулкдорлар ва нат жамоасини рағбатлантиришнинг воситаси обланади. Бухгалтерия ҳисоби фойданинг шаклиши ва тақсимланиши жараёнига оид зарур ахотларни фойдаланувчиларнинг қизиқишларинобатта олган ҳолда таъминлаб бериши керак. Ҳа молиявий натижаларни ифодаловчи кўпгина саткичларни ўз ичига қамраб олади. Бу кўрсатлар иқтисодий категория сифатида фойданинг и хусусиятлари бўйича фойдаланувчиларнинг

барча гуруҳларига кенг қамровли ахборотларни етказиб беради. Бухгалтерия ҳисобида турли қоидаларнинг қўлланилиши фойданинг тақсимлаш жараёни объектив ёндашиш имконини беради. Бу ёндашув кўпгина услубий муаммоларни ҳал қилишни тақозо этади. Фойданинг шаклланиши ва тақсимланиши жараёнларининг изчил механизмларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этиб, бу эса бухгалтерия ҳисобининг услубий муаммоларини ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди.

Бухгалтерия ҳисобида молиявий натижаларга оид кўрсаткичларнинг турли-туманлиги фойда ҳисоби объектларини илмий асосланган ҳолда таснифлашни тақозо этади. Молиявий натижалар

Молиявий натижаларнинг таснифланиши

Таснифлаш белгиси	Молиявий натижаларнинг турлари
жаллик операцияларининг мазмунига кўра	Асосий фаолиятдан фойда ёки зарар Молиявий фаолиятдан фойда ёки зарар Инвестицион фаолиятдан фойда ёки зарар Фавқулодда ҳолатлар бўйича фойда ёки зарар Фойда бўйича муддати кечиктирилган солиқ тўлови
Молиявий ҳисоботда акс ирувчи элементлар таркибига кўра	Ялпи фойда Маҳсулот сотишдан фойда ёки зарар Солиқ тўлангунга қадар фойда ёки зарар Муддати кечиктирилган солиқ активи Муддати кечиктирилган солиқ мажбурияти Фойда солиғи Соф фойда ёки зарар
Кўрсаткичларнинг шаклланиш даврига боғлиқлигига кўра	Ўтган даврларнинг тақсимланмаган фойдаси ёки қопланмаган зарари Ҳисобот даврининг соф фойдаси ёки зарари Келгуси ҳисобот даврларининг даромад ва харажатлари
Ҳисобот даврида фойданинг тақсимланиш характерига кўра	Капитализацияланган фойда Мулкдорларнинг даромадлари (дивидендлари) Оборотдан четлаштирилган фойда Фойда солиғи Имтиёзланган фойда Бошқа ставкада солиққа тортиладиган фойда
Ҳисобот даврида молиявий натижаларнинг миқдорини белгиловчи элементлар таркибига кўра	Келгуси даврларнинг даромад ва харажатлари Қимматликларнинг йўқолиши бўйича камомадлар Келгуси давр харажатлари ва тўловлари резерви Баҳолаш резервлари Муддати кечиктирилган солиқ активи Муддати кечиктирилган солиқ мажбурияти
Ҳисобот даврида ахборотларни очиқ беришига кўра	Ҳисобот санасидан кейинги ҳодисалар натижасида юзага келадиган фойда ёки зарар Шартли фойда ёки шартли зарар Информацион сегментнинг фойда ёки зарари Акцияга тўғри келадиган фойда ёки зарар
Молиявий натижалар бўйича бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоби ўртасидаги алоқадорлиқ элементлар таркибига кўра	Шартли даромад (харажат) Доимий солиқ мажбурияти Муддати кечиктирилган солиқ активи Муддати кечиктирилган солиқ мажбурияти Ҳисобот давридаги фойда солиғи (жорий солиқ зарари)

таркибидан фавқулодда фойда ва зарарларни чегириб ташлаш ўзини оқламайди. Маълумки, дунёнинг исталган давлатида техноген ва экологик офатлар кўпайиб бормоқда ва бу ўз навбатида катта миқдорда молиявий зарар келтириб, кўплаб корхоналарнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мазкур ҳолатларнинг кўпайиб бориши корхона ўз мулкани суғурта қилишига эътибор қаратишига олиб келади. Ўз навбатида суғурта ҳодисаси юз бериши натижасида харажатлар ва мумкин бўлган даромадларни молиявий натижалар ҳисоби тизимининг элементлари бўлишини тақозо этади. Бунга боғлиқ равишда фавқулодда даромад ва харажатларни ҳисобнинг алоҳида мустақил объекти сифатида ажратиш лозимлигини тақозо этади. Шундай ҳолатдагина яқуний молиявий натижани тўғри баҳолаш имконияти туғилади.

Ўз навбатида фойданинг давлат бюджети даромадлар қисмини шакллантиришдаги аҳамияти унинг солиққа тортилиши нуқтаи назаридан ҳисоб ва ҳисоботда акс эттиришни тақозо қилади. Фойдаланувчилар учун муҳим таснифлаш белги-

си фойданинг солиққа тортилиши мақсад тақсимланиш характери ҳисобланади. Ушбу бўйича бухгалтерия ҳисоби ҳақиқатдаги соттиладиган фойда, солиқ бўйича бўнақларини ҳисоблашдаги бўнақ фойдаси, фойимтиёз белгиланадиган сумма каби маълумларни шакллантириши керак. Айнан ушбу мот фойданинг солиққа тортилишида етаданиқловчи ҳисобланиб, фойдани тақсимлаасосий кўрсаткичларини мантиқий давомриш ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисобига юайтиб ўтилган тушунчаларнинг киритиливлиявий натижаларни қуйидагича таснифлаконини беради.

Молиявий натижаларнинг бу каби тасниши ҳозирги даврда, шунингдек, истиқболда ҳуфаолиятининг турли натижавий кўрсаткичаниқлаш мақсадида турли фойдаланувчилалабларини қондирувчи ахборотларнинг пнишига йўналтирилган. Бу эса ўз навбатилона бошқарув қарорларининг қабул қилинтаъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятлар монавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони lex.uz
2. И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб борилаётган ислохотларни ва тағўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кеочиб беришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 201да иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастег муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. То“Ўзбекистон”, 2016. 8-бет.
3. “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос” (Ўзбекистон РеспубМолия вазирлиги томонидан тасдиқланган №475, 14.08.1998 й. Ўзбекистон Республикаси вазирлигида рўйхатга олинган, №17-07/86, 26.07.1998 й.). www.lex.uz